
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ФАРҒОНА ТУМАНИДА ЙЎЛ ЧЕТЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ҲОЛАТИНИ ҮРГАНДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, бугун вилоят секторлари раҳбарлари билан Фарғона туманида бўлиб, асосий йўллар четларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳолати бўйича ўрганиш олиб борди.

Ўрганиш давомида йўллар четларида дараҳт экилмаган майдонлар мавжудлиги, чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш яхши йўлга қўйилмаганлиги, суғориш тизимлари тартибли ташкил этилмаганлиги, бинолар фасадларида таъмирталаб ҳолатлар узоқ йиллар давомида қурилиши якунланмаётган обьектлар борлиги кўзга ташланди. Шунингдек, йўл четларида ноқонуний қурилмалар, тартибсиз жойлаштирилган «реклама пешлавҳалари» мавжудлиги вилоят раҳбари томонидан танқид қилинди.

Кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан туман раҳбарларига аниқ вазифалар ва топшириқлар юклатилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-11 21:27:35